



# ALISHER NAVOIY VA QO'QON ADABIY MUHITI

QO'QON-2021

**АЛИШЕР НАВОИЙ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ  
МУЗЕЙИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ  
ИНСТИТУТИ**

**БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ  
ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН**

**“АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИ”  
МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(21-22 май 2021 йил)**

**ҚЎҚОН – 2021**

# НАВОЙ ИЖОДИ ВА ҚЎҚОН АДАБИЙ

## МУҲИТИНИ ЎРГАНИШ: МАТНШУНОСЛИК ВА

### МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

**АЛИШЕР НАВОЙ НАЗМИЙ АНЬАНАЛАРИНИНГ ФУРҚАТ  
ШЕЪРИЯТИДА ЯНГИЛАНИШИ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**Нурбой Жабборов,  
ТДЎТАУ, ф. ф. д., профессор**

Ҳазрат Алишер Навоий асарлари – миллат бадиий-эстетик тафаккурининг чўққиси. Наинки ўзбек ёки бошқа туркий халқлар адабиётида, ҳатто жаҳон адабиётида ҳам ижодий камолотнинг бунчалик юксак даражасига эришган мутафаккирни топиш қийин. Шунинг учун ҳам халафлари орасида бирор шоир ёки адаб йўқки, ҳазрат Навоий санъатхонасидан сабоқ олмаган бўлсин. Лекин буюк шоир назмий анъаналарини, муайян поэтик образ ёки рамзлар воситасида бўлса ҳам, такомилга етказган, ривожлантирган ижодкор кўп эмас. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат лирикаси ана шундай ноёб ижод намуналари сирасига кириши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Фурқат шеъриятида буюк Навоий анъаналарининг муносиб давом эттирилиши ва янгиланишини қуидаги тамойиллар асосида ўрганиш мумкин:

1. Поэтик мазмун янгиланиши.
2. Поэтик образ такомили.
3. Поэтик жанр янгиланиши.
4. Вазнда татаббӯй қилиш.

Айни шу хусусиятларига кўра, Фурқат ва унинг замондошлари лирикаси мумтоз назмий анъаналардан янги ўзбек шеъриятига ўтишда ўзига хос адабий кўпприк вазифасини ўтади, дейиш мумкин. Ушбу адабий-эстетик

омил жадид шеърияти юзага келишида муҳим ўрин тутди. Улар таҳлили Фурқат ижодий камолотида Алишер Навоий анъаналарининг бекиёс аҳамияти ҳақида ёрқин тасаввур бериши жиҳатидан қимматлидир.

**Поэтик мазмун янгиланиши.** Қайси шеърий жанрда ёзилмасин, муножот Шайх Аҳмад Тарозий фикрича: “Тенгри ҳазратинда тазарру қилмоқ” [12.32]дир. Ҳазрат Алишер Навоий муножотларида Тангри таолонинг сифатлари васфи, унга ибодат этмоқ саодати, инсон ва унинг моҳияти, нафс зулматидан нажот топиб, Ҳақ ишқига эришмоқ фазилати сингари шахс камолотининг асоси бўлган масалалар юксак фасоҳат ва балоғат билан талқин этилган. Жумладан, “Наводир уш-шабоб” девони 2-ғазалида шоир мана бундай ёzáди:

*Ибодатингга янги ой бўлуб ҳам ўлди мусаллий,*

*Сипеҳр атласидин солибон ҳавога мусалло* [4.5].

Янги ой – ҳилолнинг Ҳақ таоло ибодати учун қадди эгик намозхонга қиёслангани, тунда юлдузлар билан зийнатланган осмоннинг фалак атласига ҳамда ҳавога солинган жойнамозга ташбех этилиши байтнинг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан юксак бадииятига далил бўла олади. *Ибодат* – мусаллий – мусалло учлиги ҳамда *ой* ва *сипеҳр* иккилиги ҳосил этган таносуб, ойнинг намоз ўқиши тасвири орқали ташхис, байтнинг яхлит ҳолда ташбех санъатига асослангани поэтик тасвирнинг навоиёна ва мукаммал экани билан изоҳланади. Ойнинг ибодат қилиши билан боғлиқ поэтик мазмун Куръони карим оятига мувоғиқ экани байтдаги фикрнинг балоғати исботидир. Жумладан, Исро сураси 44-оят мазмуни қуидагича: “Етти осмон, Ер ва улардаги бор жонзот – мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан Оллоҳни поклар, ёд қилур. Лекин, сизлар (эй инсонлар) уларнинг тасбех айтишларини – поклашларини англамассизлар” [15.199]. Мазкур ояти каримани Олтинхон тўра қуидагича тафсир қиласи: “Яъни, ҳар бир маҳлук, яралмишларнинг ҳар бири забони или ё ҳоли или Парвардигор поклигин баён қилур ва анинг ҳамдин айтурс. Лекин, сизлар билмассизлар. Чунки сизлар билмаган луғатда тасбех айтурслар”.

Айни мазмун Фурқатнинг муноҗот-ғазалида янги поэтик образ ва мазмун орқали тасвирланади:

*Куллу аиё жунбуши айлаб зикрига машгулдор,  
Ваҳшиёни дашт, хайлу-л-баҳру мурғони ҳаво.*

“Куллу ашё”нинг Оллоҳни зикр этишини таъкидлаган шоир ўқувчига таъсирироқ бўлмоғи учун уларни деталлаштириб кўрсатади. Улар – даштдаги ваҳший ҳайвонлар (ваҳшиёни дашт), денгизлардаги жониворлар (хайл ул-баҳр), ҳаводаги қушлар (мурғони ҳаво). Бунда байт тагматнида ифодаланган маъно янада эътиборга лойиқdir. Яъни, мазкур жониворларки Яратганинг зикрини бир нафас бўлсин унутмас экан, яралмишлар афзали – Инсоннинг бундан ғофил бўлишга ҳаққи йўқ.

Аслида бир-бирига яқин мазмунни буюк салафларидан фарқли ёрқин образлар орқали янгича ифодалаш ижодкордан жуда катта маҳорат талаб киласди. Ҳазрат Навоий байтидаги мазмун талқинида ана шундай ижодий натижага эришилгани Фурқат муноҗот-ғазалининг ютуғини таъминлаган.

Ўзи яшаган давр ижтимоий-сиёсий вазияти Фурқатнинг мусаддас жанрида битилган қуйидаги муноҗотида тамомила ўзгача мазмун ифодасини тақозо этган:

*Зулматни гирдбоди тегди, қуюнда қолдук,  
Тўфони ҳайрат, эйки, гарқи жунунда қолдук,  
Гафлат ила ўтуб умр, кулгу-ўйунда қолдук,  
Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук,  
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,  
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.*

Фурқат рус мустамлака сиёсатининг моҳиятини “*Зулмат гирдбоди, қуюн, тўфони ҳайрат, гарқи жунун*” каби истиоралар, “*Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук*” образли тасвири воситасида бутунлай фош этади. Зоро, бу истибодод сиёсати миллат ҳаётининг барча жабҳаларини бирдай асоратга олгани, миллий истиқлолга, нурли истиқболга элтувчи барча йўллар батамом тўсилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. “...рус маъмурияти қонунларни

ўзи истаганча ўзгартириб, маҳаллий аҳолининг иқтисодий, ижстимоий, диний ва сиёсий эркинликларини нақ эллик йил давомида поймол этиб келган”и [13.326] ҳам бунинг исботидир. Муножот-мусаддаснинг қуидаги мисралари ҳам истибодод исканжасида қолган юрт тақдирига қуиниш ҳисси билан йўғрилган:

*Қозиу муфти, аълам доим ҳазину маъюс,  
Дин посини тутай деб зиндони ғамда маҳбус,  
Бечоралар на қилсун бўлса сиёсати Рус,  
Кўймайди бир тарафдин халқ ичра нангу номус,  
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,  
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.*

Ушбу мисралар орқали мустамлака сиёсатининг адолатсизликка, зулмга асослангани, ҳатто қози, муфти, аълам каби ҳуқуқ посbonларининг ўzlари ҳам ҳақсизлик гирдобида қолгани очик-ойдин ифодаланади. Уларнинг “Дин посини тутай деб ғам зиндонида маҳбус” бўлишлари сабабини Фурқат чинакам ватанпарварга хос жасорат билан кўрсатиб ўтади: “Бечоралар на қилсун бўлса сиёсати Рус?!” Ўша кездаги Рус сиёсатининг моҳияти ҳақида манбаларда қуидагича маълумот берилади: “...чор ҳукуматининг золим генераллари Туркистон ўлкасига қўйилген “миссионер”, яъни дин бузувчи Остроумовларнинг таклифлари бўйича, Туркистон ўлкасининг халқини қўр каби истибодод қоронгусида қолдирмоқнинг маслаҳатида “русский-туземный” мактаблар очмоқقا киришидилар. Мадраса вақфларини боний, вақф қилгувчиларнинг авлодларига буюриб бериб, сотиб емоқларига фармойиши қилиб, мусулмонларнинг жума намозларида подшонинг номини (хутбага) қўйиб ўқимоқ, “Куръон”нинг “ва-л-муширикн” деган жойларидан “муширик” иборатларини чиқармоқ каби бехуда ишларни амр қилдилар. Шаҳар ҳокимлари, қози ва амалдорлар ҳам мактабдорларни чақириб, оқ подшонинг номини жами одамларга билдириб, масжидларда, намозларда дуо қилдириши, ҳатто мактаблардаги ёш болалар ўқийдиган Эшон Сўфи (Сўфи Оллоёр)нинг “Чаҳор китоб”и деган савод китобларидағи “азоби қабр

коғирларгадир, чун кўрар гўрнинг азобин баъзи мўмин”дек бўлғон байтларини ва “коғир”, “муширик” деган иборатларини йўқотиб, янги босиладирғон китоб ва “Куръон”лардан юқорида айтилган калималарни чиқаришдек фармойшилар қилдилар. Мусулмонларни ниҳоят эзиб, қисиб, ҳатто қўчадан пристуф ўтиб қолса, ё беихтиёр кўрмай қолгон ва ўрнидан турмаган мусулмонлар бўлса, қайтиб келиб уриб, қамар эдилар” [11.21].

Шоир мусаддаснинг бошқа бир бандида истибодд исканжасида қолган юрт иқтисодиёти ҳам инқирозга юз тутганини, аҳли бозор накбатга қолиб, тижоратнинг қасодга учраганини чуқур изтироб билан ифодалайди:

*Уч йил бўлурки, қолмиши накбатга аҳли бозор,  
Кўрмас тижоратидин кўп нафъ хайли тужжсор,  
Аҳли ҳунарда ҳам йўқ чандон равнақи кор,  
Йўқдур Ўзунгдин ўзга бир меҳрибону ғамхор,  
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,  
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.*

Кўқон хонлиги Рус қўшинлари томонидан 1876 йили босиб олиниб, вассалга айлантирилгани эътиборга олинса, “Уч йил бўлурки қолмиши накбатга аҳли бозор” мисраси асарнинг ана шу воқеадан уч йил ўтгач, яъни 1879 йили ёзилганини кўрсатади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мустамлака маъмурияти узоқни кўзлаб иш тутган. Ўлкадаги энг эътиборли лавозимларга лаёқатсиз, жохил, Фурқат таъбири билан айтганда, “на ҳукм қилса, дарҳол буйругини оладиган”лар қўйилган. “Рус мустамлакачилари ўзлари ишлаб чиқсан “Туркистон ўлкасини бошқариш хақида Низом”да шариат қозиларини сайлаш масаласига алоҳида эътибор бердилар, – дейилади “Ўзбекистоннинг янги тарихи”да, – Хонлар замонида саводхон ва ниҳоят билимдон одамлар қозиликка тайинланган бўлса, рус маъмурларининг қонунига кўра, саводсиз кишилар ҳам бу лавозимга сайланиши мумкин бўлди” [13.321].

Шу ўринда Фурқат муножотининг буюк салафи ҳазрат Алишер Навоий муножотларидан яққол кўзга ташланадиган фарқли жиҳатларига эътибор

қаратиш зарурати сезилади. Навоий муножотлари инсон, унинг моҳияти, Ҳақ таоло маърифати каби миллатидан, ирқидан қатъи назар, барча учун, умуминсоният учун бирдай зарур ҳисобланган масалалар таҳқиқига, бадиий талқинига бағишлиланган. Фурқатнинг ушбу муножотида эса ўзи яшаб турган давр ижтимоий воқелиги, миллат дарди қаламга олинган. Шунга қўра, ушбу муножот-мусаддасни буюк кечмишидан тобора узоқлашаётган, шу боис сиёсий, моддий ва маънавий инқирозга юз тутган миллатга ўз қилмишлари оқибатини кўриши, хулоса чиқариши учун тутилган кўзгу, деб аташ мумкин. Бу эса, ўз навбатида, озод (ҳазрат Навоий) ва мустамлака (Фурқат) миллат вакилларининг Яратганга илтижоси, муножоти ҳам фарқли бўлиши тўғрисидаги аччиқ хулосага олиб келади.

**Поэтик образ такомили.** Фурқат образли тафаккур борасида ҳам ҳазрат Навоий назмий анъаналарини муносиб давом эттирди. Айрим поэтик образлар мисолида ҳатто уларни такомил даражасига етказди. Ҳазрат Навоийнинг машхур байтида ёр образи биргина лабдаги хол поэтик детали мисолида ёрқин тасвирланган:

*Нуқтайи холинг недин ширин лабинг устиладур,*

*Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса “лаб”* [3.66].

Фурқатгача ушбу образнинг ўзига хос талқини Мунис ғазалиётида учрайди. Шоир, жумладан, мана бундай ёзади:

*Нуқтайи холи ғалат тушимии лабининг устида,*

*Берса рухсат олгамен ул нуқтани ондин ялаб* [8.70].

Мунис талқинида ушбу образ бироз янгилангани, ифоданинг учинчи шахс тилидан изҳор этилиб, иккинчи мисра тагматнида байтга ошиқ образи олиб кирилгани рост. Лекин шоир бу образни поэтик жиҳатдан такомилга етқазган, деб бўлмайди. Фурқат шеъриятида эса, бу образ янги поэтик даражага юксалган:

*“Нуқта лаб устида бежсадур?” -дедим, айди кулуб:*

*“Саҳв қилмиши котиби қудрат магар таҳрирда?!”*

Биринчидан, ҳазрат Навоийда ҳам, Мунисда ҳам ифода монолог тарзида берилган. Фурқат уни диалогга – ошиқ ва маъшуқа мулоқотига айлантиради. Натижада нуқта (ёрнинг холи) лаб устида бежо экани ҳақидаги саволига маъшуқа ҳам савол билан жавоб беради: “(Ўйлаб гапиряпсанми), қудрат котиби қандай қилиб адашиши мумкин, ахир нуқтани қандай ёзиш унинг ихтиёрида-ку?” Иккинчидан, Ҳазрат Навоий бир байтда (Мунис бир мисрада) айтган фикрни “Нуқта лаб устида бежодур” тарзида тўрт сўз воситасида ярим мисрада ифода этиб бўлган ва шундан кейин уни янада ривожлантирган. Учинчидан, Фурқат бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланиш борасида ҳам салафларига қараганда бир поғона юксакликка кўтарилиган. Байт тўлиқ ҳолда саволу жавоб санъати асосига курилган. “Саҳв – котиб – таҳрир” учлиги ҳосил этган таносуб санъати фикрнинг бадиий зийнатини таъминлаган. Байтда икки сўз ийҳом санъатини ҳосил қилган: биринчиси, “нуқта” сўзи ҳам “хол”, ҳам арабча “б” ҳарфининг нуқтаси маъноларида қўлланган. Иккинчиси, “котиб” сўзи бир вақтнинг ўзида ҳам Яратган, ҳам ёзувчи маъноларини ифодалаган. Шу жиҳатдан ҳам, ушбу байт Фурқатнинг бадиий маҳорати юксак эканига, ҳазрат Навоий яратган образни поэтик такомилга етказганига ёрқин далил бўла олади.

Ҳазрат Навоий асарларида ит образи ўзига хос талқин этилган. “Лисон ут-тайр”нинг “Хожа Баҳоуддин сўзи фанойи комил мақомида” деб номланган фаслида улуғ шоир Шоҳ Накшбанд тилидан мана бундай ёзади:

*Кўрди топқоч нисбат ойинин тузা,  
Ит аёгининг изин туфроғ уза.  
Деди: “Мен ортуғ эканму ё бу из?”  
Яна ўзни деди: “К-эй инсоғсиз,  
Ул вафо аҳли аёғидин нишон,  
Сен вафосизлик сари доманкашон”.  
Хатм қилди чун бу маънига сўзин,  
Ер ўпуб ул из уза қўйди кўзин [1.255].*

Буюк шоир ит образини вафо тимсоли сифатида талқин этади. Баҳоуддин Нақшбанддай комил шахс тилидан ит тугул унинг изи ҳам вафо аҳлига тегишли бўлгани боис азиз экани ҳақидаги фикрни бетакрор ифодалаган. Зеро, худпарастликдан фориғ бўлиш, нафсни ўлдириш – тасаввуф таълимотининг муҳим қоидаси, соликка қўйиладиган бош шарт. Ҳазрат Нақшбанд тимсолида айни шу иллат муолажаси билан боғлиқ муҳим бадиий умумлашмага келинган. Фурқат бу образ талқинида ҳам ҳазрат Навоий анъаналарини янгилаган. Қуйидаги мусаббада шоир теран фалсафий фикрларини ифодалашда ит образидан маҳорат билан фойдаланган:

*Мўътабар кўз ёши Ҳақ наздида дурри нобдин,  
Ҳам либоси фақр беҳтар шол ила санжобдин,  
Бистари қолинда роҳат бирла кўрган хобдин  
Кўйи узлат бўрёси хўбдур ҳар бобдин,  
Бор эмиши бир кун азоби ваҳм қил Ваҳҳобдин,  
Аҳли дунё сухбати ичра шароби нобдин,  
Ит ялоги ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ [14.178<sup>а</sup>].*

Ит образи – вафо тимсоли. Шунинг учун ҳам, шоир наздида, аҳли дунё – яъни, дунёпаастлар сухбатида шароби ноб – қизил май ичгандан кўра ит ялоғидан қон ичган афзалроқ! Чунки аҳли дунёдин вафо кутиб бўлмайди. Улар дунё матоҳига эгалик қилиш учун ҳар қандай тубанликдан-да қайтмайди –мана, Фурқат назарда тутган ҳаёт фалсафаси. *Кўз ёши – дурри ноб, либоси фақр – шол ила санжоб, бистари қолин – кўйи узлат бўрёси* иккиликлари маъносидаги тазод мусаббанинг ушбу банди бадиияти юксак бўлишини таъминлаган. *Ит, ялоқ, қон сўзлари ҳосил қилган таносиб санъати* фикрнинг поэтик зийнатига хизмат қилган. Бу ерда “шароби ноб” ва “қип-қизил қон” – истиора. Шунинг учун ҳам уларни фақат зохирий маънодагина тушуниш тўғри эмас. Жумладан, “шароби ноб”да умуман дунёпаастлик, ҳирсу ҳавас маънолари ҳам мавжуд. Ушбу образ билан боғлиқ икки шоир талқинининг қиёси Фурқатнинг буюк салафини такрорламагани, бу образ тасвирида ўзига хос йўлдан борганини кўрсатади.

**Поэтик жанр янгиланиши.** Қасида мумтоз Шарқ адабиётида шоирнинг ижодий салоҳиятини белгиловчи жанрлардан ҳисобланган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг Хурросонга Ҳусайн Бойқаро ҳукмдор бўлиши муносабати билан ёзилган “Ҳилолия” қасидаси бу жанрнинг юксак намунаси экани билан алоҳида аҳамиятга эга. Шайх Аҳмад Тарозий қасида жанрига хос тўрт хусусиятни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Биринчиси – ҳусни матлаъ, яъни қасиданинг бошланиши маъно жиҳатидан мутлақо қусурсиз латиф сўзлардан ташкил топган бўлиши керак. Иккинчиси – мамдух (мақталгувчи)нинг адлу инсофи таърифланиши зарур. Учинчи – мамдуҳнинг шиҷоати, тўртинчи – саховати мақталиши лозим. “Ва бу тўрт хислатдин ортуқ ҳар нечаким сифат қилур, ихтиёр шоирғадур” [12.33].

*Чун ниҳон қилди турунжси меҳр раҳион тальатин,  
Ошкор этти фалак бир тавқи габғаб ҳайъатин.*

Ҳусни матланинг бекиёс намунаси бўлган ушбу байт билан бошланган ва тузилишига кўра қасидаи томм ҳисобланган “Ҳилолия” буюк шоирнинг бадиий маҳорати нечоғлик юксак экани исботи ҳамдир.

Фурқатнинг “Қасида” деб номланган буюртма асосида оқподшоҳга бағишлиб ёзилган асари мутахассислар ўртасида турли мунозараларга сабаб бўлган. Ҳатто шоирнинг чор мустамлака сиёсати моҳиятини тушунмаганига далил этилган. Аслида, тагматнга Русия истибдодининг асл қиёфасини фош этувчи мазмун маҳорат билан сингдириб юборилган бу асар шоирнинг ушбу асарда ҳам ўз эътиқодида событ қолганидан далолат беради. Анъанага кўра қасидага сўзбоши ёзилмайди. Фурқат эса асарни сўзбоши-изоҳ билан бошлайди. Унда, жумладан, мана бундай сатрларни ўқиймиз: “*Зими斯顿и шабистонларким, сиёҳбахтлар рўзгоридек қаро ва соҳиби афкорлар андиишаси янглиғ узун ва беинтиҳодур. Бу лайлатау-д-дажода уйқу дурроҷлари кўзлар ошёнасидин рамида қилиб, хаёл насоитими ҳар тарафга варзида қилур эрди...*” [10]. “Оқподшоҳ”га бағишланган қасиданинг дебочаси чуқур изтироб ифодаси бўлган “*Сиёҳбахтлар рўзгоридек қон-қора, зими斯顿 тун*” тасвири билан бошланиши бежиз эмас. Бу тасвир мазкур дебоча

давомида “жўши баҳори рашики гулистони Эрам” дея таърифланган Фарғона мамлакати, “бу роқими тасвидотнинг асл шажараи вужуди... обу ҳавоси обёрлиги бирла тарбият топмиш бўлгон” [10] Хўқанд гулшанининг истибод зулматида қолганига очиқ ишорадир. Акс ҳолда подшоҳ мадҳига багишланган қасида бундай дард-алам, изтироб ифодаси билан бошланмаган бўлар эди.

Қолаверса, ушбу изоҳ-сўзбошининг давоми янада теранроқ мулоҳаза юритиши тақозо этади: “*Арбоби назардин умид улким, ушбу жаридага мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлагайлар. Мабодо хотираларига хутур қилмагойким, ушбу сўзлар хушомадгўйлиғ юзидин адо топқон бўлгай деб. Чунки мақсадимиз асли бошқа ерга реша чекмаклиги кўнглумиз ганжинасида мактум ва музмардур. Вассалом*” [10]. Шоирнинг асарга инсоф юзасидан баҳо бериши сўраб ёзган ушбу сўзларидан кейин ҳам у ҳакда юзаки мулоҳаза юритиш арбоби назар – илм аҳли учун муносиб бўлмаган ҳол. Бевосита асар матнига мурожаат этамиз. Маснавий Тангри таолога ҳамду сано билан бошланади:

*Жаҳонда ҳар наким этти – Худованди жаҳон этти,  
Килиб қудратнамолиғ эамину осмон этти.  
  
Камоли жуди ўн саккиз минг олам айлабон мавжуд,  
Мукаррам ҳалқ этиб одамни, сунъини аён этти.  
  
Ҳама маҳлукни, Борий, мутиъу зирдаст айлаб,  
Оларга Одам ўғлин чиредасту қаҳрамон этти.  
  
Ҳақиқий подшоҳеким, жаҳонни интизоми-чун,  
Мажозий подшоҳларни жаҳонга ҳукмрон этти* [10].

Мазкур ҳамд-байтларнинг сўнггиси, айниқса, тагматнда ифода этилган мазмуннинг теранлиги билан алоҳида ажралиб туради. Яъни шоир “оқподшоҳ”га қаратади: “Сен вақтинчалик мажозий подшоҳсан, сенинг ҳукмронлигинг ҳам ўткинчи. Ҳақиқий подшоҳ эса Тангри таолодир. У хоҳлаган куни худди аввалги подшоҳлар каби сенинг ҳукронлигингга ҳам чек қўйишига қодир”, деган ҳақиқатни образлар воситасида айта олган.

Куйидаги байтлар таҳлили ҳам мазкур асарда рамзлар, тимсоллар орқали чор ҳукумати юритаётган босқинчилик ва тажовузкорлик сиёсатини фош этиш шоирнинг асосий мақсади бўлганини кўрсатади:

*Ҳукумат интизомин кўр: тажсовуз айлаб инсондин,  
Сиёсат зарбатидин ларзалар шери жаён этти.  
Синоҳий шерсавлатдур, ливоси аждаҳо пайкар,  
Олиб кўб шаҳрни, алқисса, тасхир жаҳон этти [10].*

Инсонийликдан тажсовуз айлаш, ўзга мамлакатларни забт этиш, босиб олиш чор ҳукумати сиёсатининг асосий низоми, бош муддаоси эди. Ушбу байтларнинг ўзиёқ Фурқатнинг мақсади чиндан ҳам “ўзга ерга решачекмаклик” эканини кўрсатади.

Асосий фикрларини асар тагматнида бериш, бош хусусияти мадҳ, мақтов бўлган қасида жанрида қаловини топиб, адолатсизликни фош этиш услуги Фурқатнинг бу жанр табиатини янгилай олгани исботидир. Негаки, Чор Русияси цензураси назоратидан ўтиши керак бўлган асарда бошқа йўл тутиш имконсиз эди. Рус олим А.Герцен цензура шароитида ижодкор ўз гояларини қай тарзда асар тагматинида ифодалаши билан боғлиқ ижодий-руҳий жараённи қуйидагича таҳлил этиб берган эди: “...ўз сўзини билинтирмаслик услубини ва санъатини ривожлантиришга цензура жуда катта ёрдам беради. Цензура тўсигидан асабийлашган ижодкор уни енгишни хоҳлайди ва бунда деярли ҳамиша муваффақият қозонади. Кинояли сўз ҳаяжон, кураш изларини сақлаб қолади; унда оддий баёнга нисбатан эҳтирос кўпроқ бўлади. Очигини айтмаслик ўз пардаси остида кучлироқ, тушунишни истаган киши учун ҳамиша равshan бўлади... Пинҳона фикр сўзнинг кудратини оширади, ялангоч фикр эса идрокни жиловлайди. Ёзувчи қанчалик эҳтиёт бўлишини биладиган ўқувчи уни диққат билан ўқииди; ўқувчи билан муаллиф ўртасида яширин алоқа пайдо бўлади. Бири ёзганини яширади, иккинчиси эса уни тушунади. Цензура шундай бир тўрки, майда чивинларни ушлаб қолади, катталарини эса ўтказиб юборади” [7.334-335]. Фурқатнинг аксар асарларини методологик аҳамиятга эга ана шу фикрларни эътиборда

тутган ҳолда таҳлил этмоқ зарур. Фақат шундай ёндашув орқалигина шоир ижодига доир илмий ҳақиқатларни тўлақонли юзага чиқариш мумкин бўлади.

**Вазнда татаббуъ қилиш.** Фурқат аruz илми билан жиддий шуғулланган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарини аruz илмини ўрганувчилар учун фойдаланишга қулай тарзда “Илми шеърнинг қоидай авzonини баёни” номи билан ўз дастхатида конспект шаклида кўчирган. “Эй сабо” радифли ғазалини “Мезон ул-авзон”да: “Олтинчи доиреки, андин икки баҳр мустахраж бўлур, бу ҳам ажам шуароси арузларида қўрулмайдурким, алардин бири комил баҳридуур... мусаммани солимда оз шеър воқиъ бўлубтур” [2.90] дея таърифланган вазнда битгани шоирнинг аruz илмida камолот даражасига кўтарилигани далилидир. Комили мусаммани солим (мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун) вазнида Фурқатгача Навоий [4.247], Мунис [8.133] ва Оғаҳий [9.339] шеър ёзгани маълум. Шайх Аҳмад Тарозий [12.200] ва Бобур [6.80] ҳам арузнинг мазкур баҳри хусусида маълумот бериб, комили мусаммани солим вазнига ўз шеърларидан мисоллар келтирган. Демак, туркий тилда Навоийгача бу вазнда фақат Аҳмад Тарозий шеър ёзган бўлса, Навоийдан кейин бу анъана нисбатан анча кенгайган. Фурқатнинг ушбу вазндаги “Эй сабо” радифли ғазали Туркия сафари вақтида ёзилган бўлиб, матлаъи қуйидагича:

*Сана душти бандани ҳожати анга боғла бир камар, эй сабо,*

*Дўнуб қайтгасан бурадан Мадинаи савбина гузар, эй сабо* [14.235<sup>6</sup>].

Ушбу байтда шоирнинг Мадинаи мунаффарага бориш орзуси ифодаланган. Мумтоз шеърият анъанасига кўра, шоир боди сабога мурожаат этиб, белига ҳиммат какмарини боғлашини сўрайди.

*Ювубон гулоб ила аввало йўли гардидин арит ўзунги,*

*Юз ила юруб Ҳарам ичра кеч саловат ўқуб саҳар, эй сабо.*

Шоир сабога гулоб ила покланишни, Ҳарам ичра оёқ билан эмас, “юз ила юруб” саловат айтишни тавсия қилиш орқали ташхис санъатининг

бетакрор намунасини яратади. Бугина эмас. Мазкур сатрлар шоирнинг ушбу муборак шаҳарга нечоғлик соғинч билан интилгани далили ҳамдир.

*Бани осийи юзи қаройи кетура хаёла Худойе чун,  
Деясан саломими аглайоб санга ўла вақт агар, эй сабо.  
Бу йўругларин дута олмайин, гечура абас ҳама умрини,  
Дегил айлади ўзи жонина ўзи зулм ила зарар, эй сабо.*

Ушбу байтлар яхлит ҳолда тақсир санъати намунасидир. Яъни шоир ўзини юзи қаролик ва осийликда, Ҳақ таоло йўриқларин тута олмай, умрини алас кечирганликда, ўз жонига зулм қилганликда айблайди. Табиийки, бу тасаввуф таълимоти талабича, ўзини маломат қилиш натижаси. Умуман, мумтоз шоирларимизнинг деярли барчалари “Маломатда саломат” қоидасига амал қилганлари маълум. Яъни, уларнинг фикрича, инсон ҳеч қачон хотиржамликка берилмаслиги керак, нафснинг хоҳишларига бўйсунмаслиги зарур. Бунинг учун ўзини тафтиш қила билиши, ҳар доим ўз ҳолидан огоҳ бўлиши лозим. Мазкур мисраларда ушбу қарааш ҳосиласи акс этган.

*Неча чўл кезиб банде нотавон ииқилиб қўйуб ўла қолмиишам,  
Ета олмайин Ҳарами шарифина қондурур жигар, эй сабо.  
Сув верар сиришкидин ики кўз, қуруя жигар, ўла ташнаком,  
Ҳаққа шукрларки, шарафрасон сафар ўлди бу сафар, эй сабо.*

Образли тасвир – “икки кўз сиришкидин сув бериши”, “жигар қуруб ташнаком бўлиши” шоир руҳиятининг ёрқин тасвирини беришга хизмат қилган. Ҳарами шарифга ета олмай, жигари қон бўлган, қўзларидан соғинч ёшлари оққан шоирнинг ҳар қандай шароитда ҳам Ҳаққа шукрлар айтиши шеърда комил мусулмон дунёқараси акс этгани билан изоҳланмоғи зарур.

*Ўлубон Мадина мушаррафи, кирагам на юз ила равзая,  
Йўқ алимда тухфаи лойиқум, ўла қобили назар, эй сабо.*

Яна тақсир санъатига мурожаат қилган шоир қўлида муносиб тухфаси йўқлиги, Мадина зиёрати мұяссар бўлса, пайғамбар алайҳиссаломнинг равзай муборакларига на юз билан киришини айтиб, надомат чекади. Лирик қаҳрамон сабога яна шундай хитоб қиласи:

*Гузари бу водидан айласанг йўла интизор ўла қолмишиам,  
Карам айлаюб бандо яна бир дахи кечгасан хабар, эй сабо.*

Ғазал мақтаъидаги фикр, айниқса, аҳамиятли. Мадина зиёрати орзусида бўлган шоир кечинмалари қуйидагича хulosаланади:

*Сана Фурқатийни разжосси бу-  
Ватана мурожсаат этмагил,  
Агар ўлмаса бу зиёратингни қабулидин асар, эй сабо.*

Ушбу ғазал наинки арузнинг камдан-кам шоирларга муваффақ бўлган комили мусаммани солим вазнида ёзилгани билан, балки теран мазмуни ва гўзал бадиияти билан ҳам Фурқатнинг ҳазрат Алишер Навоий анъаналарини муносиб давом эттиргани исботидир.

Хулоса қилиб айтганда, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат лирикада ҳазрат Алишер Навоий назмий анъаналарини муносиб давом эттиргани. Шеъриятда поэтик мазмунни янгилаш борасида самарали ижод қилди. Навоиёна образларни поэтик такомилга етказди. Муайян жанрлар табиатини янгилаш борасида салмоқли ижодий ютуқларга эришди. Мумтоз шеъриятда кам қўлланилган вазнларда ҳам юксак бадиият намуналарини яратди. Булар барчаси Фурқатнинг юксак ижодий салоҳият эгаси сифатида ҳазрат Алишер Навоий санъатхонасидан сабоқ олгани натижаси сифатида баҳоланмоғи зарур.

#### **Адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. /Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн иккинчи том. –Тошкент: Фан, 1996
2. Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. /Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик, Ўн олтинчи том. –Тошкент: Фан, 2000
3. Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Ж.І: Ғаройиб ус-сигар. (Х.Сулаймон нашри асосида матнни лугат ва изоҳлар билан қайта нашрга тайёрловчи: О.Давлатов). –Тошкент: Тамаддун, 2011

4. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Ж.ИІ: Наводир уш-шабоб. (Ҳ.Сулаймон нашри асосида матнни луғат ва изоҳлар билан қайта нашрга тайёрловчи: О.Давлатов). –Тошкент: Тамаддун, 2011
5. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Ж.ІІІ: Бадойеъ ул-. (Ҳ.Сулаймон нашри асосида матнни луғат ва изоҳлар билан қайта нашрга тайёрловчи: О.Давлатов). –Тошкент: Тамаддун, 2011
6. Бобур, Захириддин. Мухтасар. –Тошкент: Фан, 1971
7. Герцен А.И. Собрание сочинений в восьми томах. Т.3. – Москва: Правда, 1975
8. Мунис, Шермуҳаммад. Сайланма. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980
9. Огажий, Муҳаммад Ризо. Таъвиз ул-ошиқин. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960
10. “Туркистон вилоятининг газети”, 1903 йил 9 июнь, № 22
11. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи эшон воқеаси. Самарқанд-Тошкент: 1927
12. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балога. –Тошкент: Хазина, 1996
13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. -Тошкент: Шарқ, 2000
14. Ўзбекистон ФА ШИ Ҳ.С. Сулаймонов фонди, Кўлёзма № 2492
15. Қуръони карим. (Аловуддин Мансур изоҳли таржимаси). –Тошкент: Чўлпон, 1992

## **АЛИШЕР НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИНИНГ АНИҚЛАНГАН ЯНГИ НУСХАЛАРИ (2010–2021 ЙИЛЛАР)**

**Афтондил Эркинов,  
ЎзДўТАУ, ф, ф, д. (Ўзбекистон)**

Мавзуга киришишдан аввал Навоий асарлари қўлёзмаларини ўрганиш тарихига бироз назар ташлаш ўринли бўларди. 1950-60-йилларда Навоий асарлари илмий-танқидий ва турли матнларини нашр этиб ўқувчиларга

## МУНДАРИЖА

<b>1. Ҳайрулло Бозоров.</b> Фаргона вилояти ҳокими. Навоийга эҳтиром.....	3
<b>2. Маъруфжон Усмонов.</b> Қўқон шаҳар ҳокими. Темур тифи етмаган жойни қалам билан олди Алишер.....	5

## ҚЎҚОН АДАБИЙ МУХИТИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ

<b>1. Боқижон Тўхлиев.</b> Филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон). Амирийнинг бадиий олами манзараларидағи айрим лавҳалар ҳақида.....	8
<b>2. Almaz Ülvi Binnətova.</b> Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutu, filologiya üzrə elmlər doktoru (Azərbaycan). ƏMİR ƏLİŞİR NƏVAI DÖVRÜNƏ QƏDƏR ÖZBƏK DILİNİN – CIĞATAY TÜRKCƏSİNİN KEÇDIYI YOL.....	15
<b>3. Рухшона Восиева.</b> Кафедры теории и истории таджикской литературы Таджикского государственного педагогического университета имени Садриддин Айни, доктор филологических наук, профессор (Тожикистан). Абдурахман Джами и его поэма «Хираднаме-и Искандари.....	21
<b>4. Иқболой Адизова.</b> ТошҶҮТАУ, филология фанлари доктори, доцент (Ўзбекистон). Поэтик мазмун янгиланишида истиоранинг ўрни.....	32
<b>5. Зебо Қобилова.</b> Қўқон ДПИ, филология фанлари доктори, доцент (Ўзбекистон). Шахсият ва шеъриятга издошлик.....	38
<b>6. Баҳтиёр Файзуллоев.</b> Филология фанлари номзоди, доцент, академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети (Тожикистан). Нодира ижодида Навоий анъаналари.....	43
<b>7. Эргаш Очилов.</b> ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди (Ўзбекистон). Фазлий ва Навоий .....	50
<b>8. Абдуназар Раҳмонқулов, Мўътабар Шарипова.</b> Академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд ДУ доцентлари (Тожикистан). Навоийнинг ўзбек – тожик иккитиллигига муносабати .....	59
<b>9. Дурдана Зоҳидова.</b> Қўқон ДПИ, филология фанлари номзоди, доцент (Ўзбекистон). Умрзоқ Ғарифий лирикаси поэтикаси.....	64
<b>10. София Джумаева.</b> ТВХТХМОИ, филология фанлари номзоди, доцент (Ўзбекистон). Навоийдан руҳланган шоир .....	75
<b>11. Зебо Қобилова, Қўқон ДПИ, филология фанлари доктори (DSc), доцент, Намуна Турсунова, Қўқон ДПИ, ўқитувчи. Бир татаббу хусусида.....</b>	82
<b>12. Мўминжон Сиддиков.</b> Қўқон ДПИ, доцент, <b>Фарангиз Сиддикова,</b> ЎзДЖТУ, талаба (Ўзбекистон). Қўқон адабий мухитида таърих .....	88

<b>13. Ҳабибулло Жўраев.</b> ФарДУ, филология фанлари доктори, <b>Ислом Жўраев.</b> ФарДУ, ўқитувчи (Ўзбекистон). Ота - қуёш, она ой бўлгунча .....	96
<b>14. Озода Тожибоева.</b> ТошДЎТАУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори ( <i>PhD</i> ) (Ўзбекистон). Муҳаммадамин Косоний - шоир ва мусаввир.....	100
<b>15. Мирҳожиддин Жамолиддинов.</b> Кўқон ДПИ, филология фанлари номзоди, доцент (Ўзбекистон). Алишер Навоий ижодининг Кўқон адабий муҳити сатираси ривожига таъсири .....	108
<b>16. Барно Ҳасанова.</b> Кўқон ДПИ, катта ўқитувчи ( <i>PhD</i> ) (Ўзбекистон). Жадид адабиётида Навоий шахси ва ижодига муносабат.....	110
<b>17. Муқаддас Сайдакбарова.</b> Кўқон ДПИ, ўқитувчи (Ўзбекистон). Сатирада ижтимоий рух тадрижи .....	113
<b>18. Муқаддас Сайдакбарова.</b> Кўқон ДПИ, ўқитувчи, <b>Феруза Қурбонова.</b> Кўқон ДПИ, ўқитувчи (Ўзбекистон). Увайсий шеъриятида умуминсоний қадриятлар талқини .....	118
<b>19. Тожихон Тошболтаева.</b> Кўқон ДПИ, катта ўқитувчи, <b>Фарангиз Сиддиқова.</b> ЎзДЖТУ, талаба (Ўзбекистон). Навоий муаммолари ва Кўқон адабий муҳити .....	123
<b>20. Мушарраф Имомалиева.</b> Кўқон ДПИ, ўқитувчи (Ўзбекистон). Нодира ижодида навоийёна оҳанглар.....	129
<b>21. Намуна Турсунова.</b> Кўқон ДПИ, ўқитувчи (Ўзбекистон). “Лола” образининг қиёсий таҳлили (Алишер Навоий ва Муқимий лирикаси мисолида).....	133
<b>22. Сардор Умаров.</b> Ўз РФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти кичик илмий ходими (Ўзбекистон). Футувват ғоялари ва ранглар уйғунлиги (Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони ҳикоятлари мисолида) .....	137
<b>23. Гулҳаё Хайдарова.</b> Кўқон ДПИ, тадқиқотчи (Ўзбекистон). Чархийнинг радиф қўллаш маҳорати .....	143
<b>24. Дилмурод Асқаров.</b> Кўқон ДПИ, магистрант (Ўзбекистон). Амирий мухаммасларида бадиий санъатларнинг ўрни .....	150
<b>25. Шарофат Исмоилова.</b> ФарДУ, магистрант (Ўзбекистон). Кўқон адабий муҳитида тасаввуфий шоирлар сулоласи .....	154
<b>26. Мадина Бурхонова.</b> Кўқон ДПИ, магистрант (Ўзбекистон). Алишер Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга бағишланган таркиббанд - марсияси поетикаси .....	159
<b>27. Зебунисо Хайитова.</b> Кўқон ДПИ, магистрант (Ўзбекистон). “Хазойин ул- маоний”та кирмаган тахмис .....	165
<b>28. Ирода Абдурайимова.</b> Кўқон ДПИ, магистрант (Ўзбекистон). “Муншаот” асари ва Кўқон адабий муҳитида яратилган мактубларнинг	

қиёсий таҳлили (XIX аср охири XX аср бошларидағи мактублар мисолида).....	171
<b>29. Mohidil Shamatova.</b> Qo'qon DPI, talaba. Xisrav II va Amiriý .....	175
<b>30. Музаяна Собирова.</b> Қўқон ДПИ, талаба (Ўзбекистон). Навоий сабоқлари.....	182

## НАВОЙ ИЖОДИ ВА ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИНИ ЎРГАНИШ: МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

<b>1. Нурбой Жабборов.</b> Филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон). Алишер Навоий назмий анъаналарининг Фурқат шеъриятида янгиланиш тамойиллари .....	187
<b>2. Афтондил Эркинов.</b> Филология фанлари доктори (Ўзбекистон). Алишер Навоий девонларининг аниқланган янги нусхалари (2010–2021 йиллар)....	201
<b>3. Гулноз Халлиева.</b> ЎзДЖТУ, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон). Амирий девонининг Стамбул нусхасидаги туюқлар хусусида.....	211
<b>4. Қўлдош Пардаев.</b> ТошДЎТАУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори ( <i>PhD</i> ) (Ўзбекистон). Навоий маҳоратининг Муқимий ижодий камолотидаги ўрни .....	215
<b>5. Отабек Жўрабоев.</b> Филология фанлари номзоди, доцент, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музеи директор ўринбосари (Ўзбекистон). Навоий даври девончилигининг XIX аср Қўқон адабий муҳитига таъсири масаласига доир .....	220
<b>6. Абдуллатиф Турдиалиев.</b> Ғ.Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музеи мудири, филология фанлари номзоди (Ўзбекистон). Алишер Навоий “Хамса” асарининг бир қўлёзма нусхаси ҳақида .....	227
<b>7. Фарида Каримова,</b> НамДУ ф.ф.н., доцент (Ўзбекистон). Муҳаййир – мумтоз дебочанавислик анъаналари давомчиси .....	230
<b>8. Акрам Дехқонов.</b> ТошДЎТАУ, филология фанлари номзоди (Ўзбекистон). Муҳаййир ижодий мероси манбалари. У кўчирган Навоий девони қўлёзмаси.....	237
<b>9. Феруза Маматқурова.</b> Қўқон ДПИ, катта ўқитувчи (Ўзбекистон). Адабий муҳит ва халқ достонлари нашри масаласи .....	240
<b>10. Муҳаммадризо Джўраев.</b> Қўқон ДПИ, ўқитувчи (Ўзбекистон). Тринар типология: Увайсий - Фурқат – Ёрий .....	245

**АЛИШЕР НАВОЙ ВА ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИ ВАКИЛЛАРИ  
АСАРЛАРИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЪЛИМ  
БОСҚИЧЛАРИДА ЎРГАТИШНИНГ УСЛУБИЙ-НАЗАРИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

- 1. Вафо Элбоев.** Профессори кафедраи назария ва таърихи адабиёти ДДОТ ба номи С.Айнӣ (Тоҷикистон). Андешаҳои интиқодии Ҷомӣ дар «Мақомоти Ҳазрати Мавлоно Абдурраҳмони Ҷомӣ»-и Абдулвосеъ Низомии Боҳарзӣ.....252
- 2. Умар Юлдошев.** ТГМУ, доктор педагогических наук, профессор. **Дилафуз Нажмиддинова.** ТГМУ, **Малика Шодиматова.** ТГМУ (Таджикистан). Духовно-нравственное воспитание студентов на примере творчества классиков Абдуррахмана Джами и Алишера Навои как символ дружбы между таджикским и узбекским народами .....261
- 3. Шарифа Искандарова.** ФарДУ, филология фанлари доктори, профессор, **Рамзия Жўраева,** Қўқон ДПИ, ўқитувчи (Ўзбекистон). Муқимий асарларида кийим-кечак маъноли лексемалар .....268
- 4. Комил Абдуллаев.** НамДУ, Ихтисослаштирилган Илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари номзоди (Ўзбекистон). Матн устида ишлаш машғулотларида ўзбек тили, география, ахборот коммуникацион технологиялари материалларидан фойдаланиш (Қўқон адабий муҳити вакиллари мисолида) .....274
- 5. Барно Абдураҳмонова.** Қўқон ДПИ, педагогика фанлари номзоди, доцент, **Лочин Аҳмадалиев,** Қўқон ДПИ, магистрант (Ўзбекистон). Навоий ва Нодира ижодини қиёсий усулда ўргатиш.....283
- 6. Барно Абдураҳмонова.** Қўқон ДПИ, педагогика фанлари номзоди, доцент (Ўзбекистон). Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг умумтаълим мактаблари адабиёт дастурларида ифодаси .....288
- 7. Махбуба Тоҷибоева.** Қўқон ДПИ, филология фанлари номзоди, доцент (Ўзбекистон). Убайдий шеъриятида арабизмларнинг поэтик вазифаси.....298
- 8. Сотиболди Одилов.** Қўқон ДПИ, катта ўқитувчи. **Дилноза Одилова,** Қўқон ДПИ қошидаги академик литсей, ўқитувчи (Ўзбекистон). Муқимийнинг сўз қўллаш маҳорати.....303
- 9. София Усмонова.** Қўқон ДПИ, катта ўқитувчи, **Гулсанам Рустамова,** Қўқон ДПИ, талаба. Муқимий назари тушган қишлоқлар ва улардаги айрим шева хусусиятлари .....309
- 10. Аҳмедова Ҳикматхон.** Қўқон ДПИ, катта ўқитувчи (Ўзбекистон Алишер Навоий сўз ва нутқ маданияти ҳақида.....314

<b>11. Муножот Мамажонова.</b> Кўқон ДПИ, катта ўқитувчи (Ўзбекистон). Муқимийнинг “Саёҳатнома” асарида квантитатив бирликларнинг ишлатилиши.....	320
<b>12. E’zoz Qobilova.</b> Qo‘qon DPI, katta o‘qituvchi (O’zbekiston). Navoiy va Sharq mutaffakkirlari musiqiy tarbiya haqida.....	323
<b>13. Рамзия Жўраева.</b> Кўқон ДПИ, ўқитувчи, Шахзода Нематова, КўқонДПИ, талаба (Ўзбекистон). Завқий асарларида зоонимлар.....	329
<b>14. Маҳмуда Фиёсиддинова.</b> НамДУ, магистрант (Ўзбекистон). Тасвирий санъатда Навоий портретини акс эттирилиши.....	334